

Инсон хотираси — боқий, қадр-қиммати — улуғ

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан
9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Хотира — аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Президентимиз томонидан истиқлолнинг илк йилларидан эл-юртимиз тақдирга дахлдор тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улуғлаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манfaatларини таъминлашга қаратилаётган эътибор халқимизнинг ана шундай ўлмас қадриятлари, бебаҳо маънавий фазилатларини намойён этиб келмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган, оловли майдонларда ўз юртининг тинчлиги ва озодлиги, оиласи, фарзандларининг хотиржамлиги учун курашган инсонлар мудом халқимиз ардоғида. Беаёв жангларда жон фидо қилган боболаримиз хотираси қалбларимизда абадий яшайди. Бугун орамизда яшаётган 6 минг 600 нафардан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига давлатимиз томонидан ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳал-

лаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари топширилди.

9 май. Пойтахтимиздаги табаррук масканлардан бири — Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар, депутатлар ва ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 9.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун мамлакатимизда буюк тарихий сана, яъни Ик-

кинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонилган куннинг 67 йиллиги нишонланмоқда, — деди Ислон Каримов. — Пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлоқларимизда халқимиз Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимларни бажо келтирмоқда. Аввало ана шу аёвсиз урушда қатнашганлар, жанг майдонларидан қайтмаган барча юртдошларимиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилмоқда.

Бугун сафимизда эсон-омон, бардам бўлиб, барчамизга маънавий мадад бериб, ибрат бўлаётган уруш қатнашчиларини чин қалбимдан табриклаш, уларга узок умр тилаб, ўзимнинг самимий ҳурматини билдириш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Агар ана шу дахшатли урушда 1,5 миллион юртдошларимиз қатнашганини, шулардан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда ўша пайтдаги хонадонларнинг биронтасини бу фожиа четлаб ўтмагани аён бўлади.

Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин халқимизнинг кўксидagi, қалбидagi мудҳиш уруш азоб-қубатлари, айрилиқ яраси ҳеч қачон унутилмайди.

Барчамизнинг ишончимиз комил: фашизмга қарши ку-

рашда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, беғубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охирати обод бўлишини Яратгандан сўрайди, деб таъкидлади Президентимиз.

Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келган. Бундай одат миллий қадриятимизга айланиб, қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган. Ушбу қадрият халқимизнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган ноёб фазилатидир. Шунинг учун ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини биз катта байрам сифатида нишонлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳон тарихида дахшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшagan 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, халқимизга қанча азоб-қубатлар, йўқотишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим қолишига сабаб бўлган бу ёвуз офатнинг ҳаётимизда қолдирган изи, асорати ҳар қанча вақт ўтсада, ҳеч қачон эскирмайди, унутилмайди.



Давоми 2-бетда ➤

Замонавий телекоммуникация ва ахборот технологиялари

аҳамияти жамият ҳаётида
йилдан-йилга ошиб бормоқда

Депутат минбари

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари давлат ва жамият қурилиши тизимига, иқтисодиётнинг турли тармоқларига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этишни тақозо қилмоқда. Бу ўз навбатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, аҳолига интерактив давлат хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва юқори иқтисодий натижаларга эришиш билан бир қаторда, маҳсулот ва хизматларни жаҳон бозорига олиб чиқиш учун кенг имконият яратиш бермоқда.

Давоми 3-бетда ➤



Инновацион ярмарка

Амалий таклифларнинг юксак самаралари

Жаҳон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида фан ва техниканинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Бугун дунёдаги энг ривожланган давлатларнинг иқтисодий тараққиёти илмий-техникавий ютуқларга асосланган. Хусусан, АҚШда миллий даромад ўсишининг 80 фоизга яқини фан-техника ютуқлари ҳисобига таъминланса, Японияда эса бу кўрсаткич 70 фоизга тенг эканлиги ушбу фикрнинг яққол далилидир.



Давоми 4-бетда ➤

Концепция:
устувор вазифалар

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим соҳаси бўлмиш кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга, хусусий тадбиркорлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоясининг кучли тизимини яратишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Кичик бизнес

ижтимоий йўналтирилган бозор
иқтисодиётида муҳим ўрин тутати

Бунинг боиси шуки, ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес нисбатда муҳим ўрин эгаллайди. Энг аввало, кичик бизнес бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олишга, истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари қандай ўзгаришига қараб иш тутта билишга қодирдир. Кичик бизнес рақобатчилик муҳитини шакллантирадики, бусиз бозор иқтисодиётини та-

саввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, кичик бизнес янги иш ўринларини жадаллик билан барпо этилишини, аҳолининг бандлиги ўсишини ва унинг даромадлари ошиб боришини таъминлайди. Учинчидан, кичик бизнес ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Давоми 3-бетда ➤

Аниқ мақсад йўлида

Вилоят партия Кенгаши раиси ўринбосари И.Курбонов сўз олар экан, партия зиммасидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда БПТ фаоллиги муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

— Биз қуйи ташкилотлар фаолиятини, улар ўтказаятган тадбирлар мазмун-мундарижасини қайта кўриб чиқишимиз зарур. Негаки жойларда ўтказилаётган айрим тадбирлар сон учун, ҳисоботлар учун ўтказилаётгандек таассурот уйғотмоқда. Шу билан бирга, ўтказилаётган таҳлиллар айрим ҳудудларда БПТлар сони бор-у, уларнинг амалий фаолияти сезилмаётганлигини ҳам кўрсатмоқда — дейди И.Курбонов.

4-бет

Соғлом рақобатни таъминлаш йўловчилар хавфсизлигига хизмат қилмоқда

Кўра-била туриб, масъул раҳбарлар томонидан ноқонуний фаолиятга йўл очиб берилгани, яъни маст ҳолда ёки бошқариш ҳуқуқи бўлмастан, тегишли ҳужжатларсиз, техник носоз, рўйхатсиз қайта жиҳозланган, рўйхатга қўйилмаган, мажбурий техник кўрикдан ўтмаган ва бошқа шартлар туфайли фойдаланиш тақиқланган транспорт воситаларини йўлга чиқаргани учун вилоятдаги транспорт корхоналарининг 10 нафар мансабдор шахсига маъмурий чоралар қўлланилди.



5-бет

Қорақалпоғистон:

Эллиққалъада асрий садолар

Қорақалпоғистон Республикаси ўз миллий маданияти, санъати, адабиёти, уду ва анъаналарига эга. Унинг бой ўтмиши, халқ оғзаки ижоди, миллий қаҳрамонлари, мумтоз шоир ва ёзувчилари мероси улкан маънавий хазинадир. Фести-валда ана шу бой тарих ва маданият ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ундаги янги-янги дастурлар, мусиқий чиқишлар, театрлаштирилган томошалар, давра суҳбатлари ва либослар намойишида қорақалпоқ халқининг этнографияси, маданияти ва санъатига оид асл хусусиятларга алоҳида эътибор қаратилди.



8-бет

Хотира

Инсон хотираси — боқий, қадр-қиммати — улуғ

Давом. Боши 1-бетда

Президентимиз бундай муҳим ва аёвсиз урушнинг яна такрорланмаслиги учун унинг олдини олиш, илдириш билан йўқ қилиш ҳозирги вақтда энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қолаётганини таъкидлади.

Дунёнинг кўплаб минтақаларида бугун давом этаётган қарама-қаршиликлар, қуролли тўқнашулар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо сезилар ва оғоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилади. Кўшини Афғонистонда бундан 30 йил муқаддам бошланган нотинчликнинг ҳали-бери охири кўринмаяпти. Бу нафақат Ўзбекистон учун, халқимиз учун, умуман минтақамизда яшаётган барча одамлар учун катта хавф-хатардир. Ўз юрти, оиласи, фарзандларининг келажагини ўйлайдиган ҳар бир инсонни бу ташвишга солиши табиий. Халқимизда “Кўшининг тинч — сен тинч” деган мақол бежизга айтилмаган, деди Ислон Каримов.

Бугун фашизм устидан қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган оғат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаш қўйилмаган оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Такрор айтишга тўғри келадими: бундай таҳдидларни ўз вақтида сезиш, уларнинг ёвуз башарасини очиб бериш бугунги замоннинг талаби.

Шулар ҳақида гапирар экан, Президентимиз бундай оғатларнинг олдини олиш, бартараф қилиш йўлида яна бир муҳим масалага жамоатчилик эътиборини жалб қилиш зарурлигини қайд этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз эришяётган, дунё тан олаётган марралар ҳақида сўз юритганда, уларга замин бўлган кўпгина сабабларни келтириш мумкин. Лекин халқимиз кўлга киритган бу натижаларнинг негизда турган

асосий омил — бундан бугун ҳеч кимга тушунтириб беришнинг ҳолати йўқ, деб ўйлайман — мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида яққол намоён бўлмоқда, деб таъкидлади Ислон Каримов.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётганини барча-барча ютуқларимизнинг пойдеворига, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, кўриш қийин эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқларнинг негизда аввало инсон омили муҳассам. Истиклолимизнинг 21 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Тарихан шу қисқа даврда мустақил Ватанимизда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, инсон омили туфайли кўлга киритаётган ютуқларимизни бугун дунё тан олмоқда, кўплаб мамлакатлар бизга ҳавас билан қарамоқда.

Яқинда пойтахтимизда энг муҳим соҳалар — соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманларда ҳам бу ўзининг яққол тасдиғини топди.

2012 йили Мустаҳкам оила йили деб эълон қилганимизнинг замирида ҳам мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлиги, ҳар бир инсоннинг ўз халқи, оиласи, Ватани тақдирига дахлдор бўлиб яшаш каби эзгу мақсадлар муҳассам, деди давлатимиз раҳбари.

Ана шундай омиллар туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланиб, кўпмиллатли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик тобора кенг қарор топаётгани ҳаётимизда асосий ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини таъкидлаш ўринлидир.

Президентимиз бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш масалалари ҳақида тўхталар экан, ўсиб келаётган ёш авлод иштирокчиларимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилмагани

ни тушуниб, англаб етиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Чунки эртанги кун ёшлар қўлида. Хал қилувчи куч сифатида кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш лозим.

Мустақиллигимиз тарихини ўрганишда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китоби барчамиз учун ишончли манба ва муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу маънода, бугун нишонланаётган Хотира ва қадрлаш маросимининг маъно-мазмунини, яъни ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанини ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб қасдларни ёш авлоднинг онгу тафаккурига сингдириш, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз киммиз, кимнинг авлодимиз деб, ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мустақил осмонни, ана юртимизни биз асрамасак, ким асрайди, деган эътиқод билан яшаш, ҳеч шубҳасиз, бугун

ги ва эртанги ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга, деди Ислон Каримов.

Буларнинг барчаси бизнинг кучимизга куч, қудратимизга қудрат қўйиши, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаши табиийдир.

Пировардида Президентимиз бугунги кундаги энг долзарб вазифаларимиз ҳақида алоҳида тўхталди.

Авалло дунёда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеа-ходисаларга бепарво, лоқайд бўлмасдан, бошқаларнинг дардини ўзимизга яқин олиб, доимо оғоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб, халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз зарур.

Айни вақтда миллий армиямизни, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти ҳимоясида қосиб бўлиб турган Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш, мухтасар айтганда, миллий армиямиз том маънода халқимизнинг ғурур-ифтихорига айланиши учун ҳисса қўйиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши керак.

Биз доимо ўз имкониятларимиз, куч-қудратимизга таяниб-суяниб яшаганимиз ва келажакда ҳам шундай бўлажак, албатта.

Биз ўз олдимизга ота-боболаримиз орзу қилган, керак бўлса, жонини ҳам аямаган улуг мақсадни, яъни Ўзбекистонимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасига эришиши ва буюк давлат қуриш вазифасини қўйганмиз.

Ана шу йўлда Яратгандан халқимизни, Ватанимизни ёмон кўзлардан сақлашда ўзи мададкор бўлишини сўраймиз. Биз ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз, деди Ислон Каримов.

Мотамсаро она ҳайкали пойи шу кун анвойи гулларга бурканди. Муаззам майдон оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

Ў.А.

Тинч-осойишта кунлар шукронаси

9 май —
Хотира ва
қадрлаш кўни

Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилояти Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Тошкент вилояти бўлими билан ҳамкорликда Қиёрай туманидаги Жўра Хоназаров номли фахрийларни соғломлаштириш масканида 9 май — Хотира ва қадрлаш кўнига бағишланган “Инсон қадрли азиз, хотираси муқаддас” деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда мазкур масканда даволанаётган пир бадавлат отахон уноҳонлар, ҳудуддаги Кўприкбоши маҳалласида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийлари, партия фаоллари, шифокорлар, ўқитувчи ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди. Тадбирни Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Туроб Ирисбоев очиб, халқимизнинг асл миллий қадриятларидан бири бўлган тарихий хотира билан яшаш, ўтганларнинг хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, ёши улугларни қадрлаш ва эъзозлаш, айниқса, мустақиллик йилларида сайқал то-

пиб, янгича мазмун билан бойитилганлигига тўхталди.

— Авваллари, — дея фикрини давом эттирди у, — бу кун ўзига хос тарзда нишонланиб, собиқ тузумнинг ҳарбий куч-қудратини кўз-кўз қилиш мақсадида ҳарбий парадлар, ҳамду санодан иборат маърузабозликлар қилиниб, бу байрамнинг асосий сабабчилари бўлган инсонлар — уруш қатнашчилари ҳамда фронт ортида меҳнат қилганларга у қадар эътибор берилмас, қадрланмасди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида юртимизда уруш ва меҳнат фахрийлари, шунингдек, қарияларни қадрлаш, уларни ижтимоий-моддий жиҳатдан

ҳимоялаш тизимининг такомиллаштирилишига катта эътибор берилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан маҳалла фаоллари, соғломлаштириш маскани шифокорлари, Қиёрай туман партия кенгаши депутатлари ҳамда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдуманноб ота Хусановлар юртимизда амалда бўлган оқилона сиёсат, айниқса, халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, ёш авлод маънавиятини, тафаккурини бойитиш, борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўққиланиб гапирдилар, тинч-осойишта кунларимизга шукроналик билдирдилар.

— Ёшим салкам тўқсонда, — дейди меҳнат fronti қатнашчиси Қурбон ота Ботиров. — Шукрлар бўлсинки, рафиқам Марзияхон билан беш фарзанд, 14 набира, 24 эваранинг роҳатини кўриб юрибмиз. Юртимиз тинч, мамлакатимиз обод. Ўша суронли йилларда бу дорилмон кунларни фақат орзу қилардик, холос. Шу кунларга етказганига шукроналар қилиб, Мустақиллигимиз абадий, осмонимиз мусаллоқ, юртимиз тинч ва фарзандларимиз бахтли бўлишини дея дуо қиламиз.

Тадбир давомида хушовоз хонандаларнинг дилторат қўшиқлари ва бадий жамоаларнинг чиқишлари байрамга

алоҳида шукр бахш этди.

Йигилиш сўнггида Ватан раънақи, юрт ободлиги, эл осойишталиги, ёш авлод камолоти йўлида ўзининг фидокорона меҳнатлари билан ўрнат қўрсатган бир гуруҳ фаолларга Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Тошкент вилояти бўлими ва “Адолат” СДП Тошкент вилояти Кенгашининг “Фахрий ёрлик” ва эсдалик совғалари топширилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистонлик мард ўғлонлар ҳам оловли йиллар суронини кўрдилар. Қўлда қурол тутганча юрт шарафини, тинчлигини мардона ҳимоя қилдилар. Дахлатли уруш йиллари хотиралари ҳамон уларнинг ёдида. Бугун Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, орамизда яшаётган, ёшларга ўзларининг ҳаёт йўллари билан ибрат бўлаётган кекса отахонлар кам қолди. Уларнинг ҳар бир сўзи ёш авлод учун ибрат, намунадир. 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан Ўзбекистон “Адолат” СДП Сурхондарё вилоят Кенгаши фаоллари Иккинчи жаҳон урушида мардларча курашган, бугун тинч ва фаровон замонда кексалик гаштини сураётган отахонлар хонадониди бўлиб, уларни байрам билан му-

Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати.



Ҳам ёд этамиз, ҳам қадрлаймиз

Биз мана шундай тинч, осойишта кунларга етиб келишимиз учун жанггоҳларда кўксини қалқон қилган аждодларимиз хотираси олдиди таъзим қиламиз. Қўп-рувчилик ҳаракатларини амалга оширишга уринган ақидопарастларнинг йўлини тўсишда, ашаддий жиноятчиларнинг пайини қирқишда, терроризм балосини даф этишда жон фидо қилган Ватон посбонларини ёдга оламиз. Зеро, қалби меҳр-муҳаббатга, саховатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини доим хотирлайди ва фидойи юрдошлари, мамлакатининг буюк келажаги йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.

9 май — Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида тантанали тадбир ўтказилди. Унга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида истиқомат қиладиган уруш қатнашчилари, ИИБ фахрийлари ҳамда хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган ИИБ ходимларининг оила аъзолари таклиф этилдилар.

Тантанали йигилишни Ички ишлар вазирлиги генерал-лейтенант Б. Матлубов кириш сўзи билан очиб берди.

Вазир ўз сўзида юртимиз тинчлиги, озодлиги йўлида жонини фидо этган, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган сафдошларни ёдга олиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини таъкидлади.

— Президентимизнинг биз



каби нуронийларга кўрсатаётган ғамхўрлиги кучимизга куч қўшиб, қалбимизни қувончга тўлдиряпти, — дея эътироф этди истеъфодаги подполковник Х. Измайлов. — Мана шундай тинч ва осуда ҳаётда фарзандларинг, келажак авлодинг, юз-кўзларида самимият бал-

қиб турган одамлар, маҳалладошлар, ҳамкасблар ҳамда биродарлар даврасида яшашнинг, шу кунларга етиб юришнинг ўзи бахт. Жанггоҳларда қон кечиб, ҳаётнинг ҳар лаҳза-си қил устида турган оловли йиллар орта қолди. Шукрки, айни йигитлик даврида кўрма-

ган рўшноликни қартайганда

истиклол туфайли кўраймиз. Ҳозир нима истасак, бор, ҳамма шароитлар яратилган. Шогирдлар, ҳамкасбларнинг хонадонимиздан қадами узилмади. Биз кексаларни қадрлаб, барча имкониятларни яратиб бераётган давлатимиз ва Ўртабонимизга раҳматлар бўлсин, дея доимо кўлимиз дуода.

Шундан сўнг уруш ва меҳнат фахрийларига пул мукофотлари ва вазирликнинг эсдалик совғалари топширилди. Таниқли санъаткорлар, ИИБ Ашула ва рақс ансамбли хонандалари ижросидаги ҳарбий ватанпарварлик, мустақил юртга муҳаббат руҳидаги қўшиқлар дилларни янада хушнуд этди.

Шаҳло БОБОЕВА,
ИИБ ходими.

Унутилмас суронли йиллар

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистонлик мард ўғлонлар ҳам оловли йиллар суронини кўрдилар. Қўлда қурол тутганча юрт шарафини, тинчлигини мардона ҳимоя қилдилар. Дахлатли уруш йиллари хотиралари ҳамон уларнинг ёдида. Бугун Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, орамизда яшаётган, ёшларга ўзларининг ҳаёт йўллари билан ибрат бўлаётган кекса отахонлар кам қолди. Уларнинг ҳар бир сўзи ёш авлод учун ибрат, намунадир. 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан Ўзбекистон “Адолат” СДП Сурхондарё вилоят Кенгаши фаоллари Иккинчи жаҳон урушида мардларча курашган, бугун тинч ва фаровон замонда кексалик гаштини сураётган отахонлар хонадониди бўлиб, уларни байрам билан му-

Бугунги тинч, фаровон замонда яшаётган ёшлар ҳар бир кунига шукроналар айтса арзийди. Улар урушнинг дахлатларини кўрмаган. Кўрмасин ҳам, илоҳим. Ўзбекистоннинг мустақил бўлганини кўрдим, мустақил даврда яшайпман. Фарзандларим, невараларим, эвараларим қошимда парвона. Мана, шунинг ўзи мен учун улкан бахт.

Шу кун Кенгаш фаоллари яна бир пир бадавлат отахон — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Сойиб ота Рўзиев хонадониди бўлиб, отахонни зиёрат этишди. Сойиб ота 95 ёшда, неваралари, эваралари даврасида кексалик гаштини сурамоқдалар. Асли Сойиб ота Рўзиевнинг орзуси педагогика институтини тамомлаб, ўқитувчи бўлиш эди. Аммо дахлатли уруш унинг орзулари амалга ошишига тўсқинлик қилди.

— Ўша оғир кунлар ҳеч кимнинг бошига тушсин, — деди Сойиб ота. — Тинч ва фаровон кунларнинг қадрига етиш керак.

— Сойиб ота ва Шермат ота каби кексалар биз учун ғаниматдир, — деди Ўзбекистон “Адолат” СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси С.Ҳамидова. — Уларнинг дуолари бизнинг бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз учун муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Хотира ва қадрлаш инсонга хос хусусиятлардир. Зеро, инсонни хотира олис ўтмишга етаклайди, бугунги кунларнинг қадрига етишни ўргатади.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.


➤ Давоми. Боши 1-бетда

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида халқаро ҳуқуқий меъёрлар талабига жавоб бера оладиган мустаҳкам миллий қонунчилик базаси шакллантирилди. Замонавий талаб ва стандартлар ҳамда конституциявий тамойиллар асосида Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»-ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»-ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»-ги, «Радиочастота спектри тўғрисида»-ги Қонунлари ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу борада «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида»-ги Қонунларнинг қабул қилиниши ахборот ва коммуникация технологиялари соҳаси жадал суратлар билан ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишловларнинг мантиқий давоми бўлиб, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, улар томонидан интерактив давлат хизматлари кўрсатиш, электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини янада ривожлантириш, тижорат фаолияти ва тадбиркорликда ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ривожлантириш, Интернет тизими орқали коммунал ва бошқа тўловларни йўлга қўйиш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорда реализация қилиш мақсадида электрон тижорат инфратузилмасини яратиш борасида устувор вазифалар белгилаб берилган.

Маълумки, қонунлар қанчалik мукамал бўлмасин, агар улар ҳаётга самарали татбиқ этилмаса, қайси соҳа бўлишидан қатъи назар юксалиш бўлмайди. Шу маънода ақинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»-ги ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»-ги Қонунларнинг ижроси юзасидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси тизимида амалга оширилган ишлар бўйича мутасадди раҳбарлар ахбороти танқиди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир аввалда қўмита ишчи гуруҳи тузилиб, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати, Тошкент шаҳри, Жиззах ва Хоразм вилояти раҳбарлари қонунлар ижроси бўйича қилинган ишлар ўрганилди. Шунингдек, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси атрофлича таҳлил қилинди.



Замонавий телекоммуникация ва ахборот технологиялари

аҳамияти жамият ҳаётида йилдан-йилга ошиб бормоқда

Хусусан, Давлат статистика қўмитаси тизимида ахборот технологияларини жорий қилиш борасидаги ишлар қўламини ўрганиш натижасига кўра, бугунги кунда статистика органлари бошқаруви ходимлари тўлиқ компьютер билан таъминланган. Эътиборлиси, барча компьютерлар корпоратив тармоққа уланган. Республика ва ҳудудий даражадаги 288 нафар бошқарув ходими электрон рақамли имзо қалитлари билан таъминланган.

Бугунги кунда Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти орқали тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига инте- актив хизматлар кўрсатилиб келинмоқда. Электрон рақамли имзодан фойдаланиш эса статистик ҳисоботларни электрон кўринишда қабул қилиш имконини бермоқда. Ҳозирда тизим орқали 24 турдаги статистик ҳисобот шаклини топшириш имконияти мавжуд.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳам қонунлар талабларидан келиб чиқиб, қатор ижобий ишларни амалга оширган. Хусусан, вазир- ликнинг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва тегишли идораларда ахборот тизимлари ва веб-сайтлар яратилган, уларнинг узлуксиз ҳамда хавфсиз ишлаши таъминланган. «Спорт иншоотлари реестри», «Миллий музей фонди ягона каталоги» каби ахборот ресурслари ташкил этилган.

Вазирликда «SKM SPORT TADBIR» компьютер дастури амалиётга жорий қилинганли-

ги спорт тадбирлари тақвим режаси мониторингини автоматлаштириш ҳамда мазкур тадбирларни ўтказишнинг таҳлилини таъминлашга хизмат қилмоқда. Мазкур дастур республикамиз ва хорижда ўтказилаётган, шунингдек, кўзда тутилган спорт тадбирларининг электрон тақвим режаси ва маълумотлар базасини ўзида жамлаган. У маълумотларни қайта ишлаш, таққослаш, таҳлил қилиш ва турли ҳисоботлар тайёрлаш каби ишларни автоматик тарзда бажаради.

Ўрганишлар, таҳлиллар натижасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан электрон ҳужжат айланиши ва электрон рақамли имзодан фойдаланишга оид қонунлар ижросида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Жумладан, вазирлик ва қўмита бошқарув самарадорлигини оширишда илгор ахборот-коммуникация воситаларидан унумли фойдаланилмаётганлиги. Шунингдек, интерфаол хизматлар турини қўлайтириш ва сифатини яхшилаш, статистик ҳисоботларни электрон шаклда қабул қилиш тизимини ташкил этиш, электрон рақамли имзони кенг жорий қилиш бўйича талаб даражасида иш олиб борилаётганлиги.

Қўмита йиғилишида ана шу муаммо ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди. Шунингдек, давлат идоралари фаолияти тўғрисидаги ахборотни аҳолига етказиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга

масъул ходимларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш, ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сайловолди дастури асосида Ўзбекистон «Адолат» СДП мамлакатимизда инновацияни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шу нуктаи назардан партия замонавий телекоммуникация технологияларини фаол жорий этиш, интернет тармоғидан умумий фойдаланиш пунктлари сонини қўлайитириш тарафдори. Чунончи, замонавий телекоммуникация ва ахборот технологиялари аҳамияти жамият ҳаётида йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу боис интернет тармоғи орқали интерфаол хизматлар кўрсатишни ривожлантиришда нафақат тадбиркорлик субъектлари, балки аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инobatга олиниши лозим. Интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш учун эса Маданият ва спорт ишлари вазирлиги миллий маданиятимиз, маънавий қадриятларимиз, спорт соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳамда қўлга киритилаётган ютуқлар аҳамиятини очиб бериш бўйича ахборот манбаларини яратиши муҳим аҳамиятга эга.

Раъно ГАЙМОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси.

Кичик бизнес

ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида муҳим ўрин тутати

➤ Давоми. Боши 1-бетда

Республикаимизда кичик бизнеснинг роли ва аҳамиятини инobatга олган ҳолда, уни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб борилаётганлиги.

Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини соддалаштирилганлиги, бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклида соддалаштирилган солиқда тортиш тизими жорий этилганлиги бунинг яққол далилидир.

Қабул қилинган кафолатлар, имтиёз ва преференциялар кичик бизнеснинг жадал ривожланишига имконият яратди, бунинг натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бирмунча қўлайди.

Ислохотлар натижасида ҳўжалик соҳасидаги ҳўқуқбузарликлар учун молиявий жавобгарлик либераллаштирилиб, кредит бериш тартиби, тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тизими соддалаштирилди ҳамда тадбиркорлик субъектларини текшириш янада қисқартирилиб, кичик бизнес тараққиётининг янги босқичга қўтарилимоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари ва қўний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган меъри- ҳўқуқий ҳўжатлар ижроси бўйича Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, тадбиркорлик субъектларида амалдаги қўний ҳўжатлари мазмун-моҳиятини тўлиқ тушунтириб бериш, уларга берилаётган имтиёзлар ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган қўлай шарт-шароитларни етказиш мақсадида, 2011 йилда 130

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қисқа муддатларда қўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳўқуқларини тиклаш мақсадида ташкил этилган «Ишонч телефони» орқали 2011 йилда 50 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари қўриб чиқилиб, 16 та мурожаат бўйича тадбиркорларнинг бузилган ҳўқуқлари тикланди ва 32 таси бўйича ҳўқуқий тушунтиришлар берилди.

Бундан ташқари, 55 та тадбиркорлик субъектининг ёзма мурожаати ҳам қўриб чиқилиб, 17 тасининг бузилган ҳўқуқлари тикланди ва 32 таси бўйича ҳўқуқий тушунтиришлар берилди.

Ушбу мурожаатларда кўрсатилган барча ҳўлатлар қўнда белгиланган тартибда ўрганиб чиқилиб, натижалари бўйича тадбиркорлар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли идораларга 3 та тақдимнома, судларга 777 млн. 302 минг сўмлик 8 та даъво аризаси киритилди.

Масалан, «Тўрақўрғон карвон савдо» хўсусий корхонаси раҳбари А.Долимовнинг бошқа ташкилотлардан етказилган моддий зарарни ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб ёзган аризаси белгиланган тартибда ўрганиб чиқилиб, ўрганиш натижаси бўйича хўсусий корхона манфаатларини қўзлаб қарздор ташкилотдан 25 млн. 900 минг сўм миқдордаги маблағларни ундириш ҳақида вилоят ҳўжалик судига даъво ариза киритилди. Ушбу даъво ариза суд томонидан қўриб чиқилиб, суднинг қарори билан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди.

Бошқарма томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқ ва қўний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммолари ва тақлифларини ўрганиш, шунингдек, тадбиркорлар билан бевосита очик

Жумладан, Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларида бевосита тадбиркорлар иштирокида 12 дан зиёд бу турдаги тадбирлар ташкил этилиб, унда 1100 нафардан зиёд тадбиркорлик субъектлари билан очик мулоқотлар ўтказилди ва амалдаги қўнийлик бўйича ҳўқуқий тушунтиришлар берилиб, улар фаолиятида юзга келаётган муаммолар юзасидан амалий ҳўқуқий ёрдамлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, 2011 йилда Адлия бошқармасининг иш режасига мувофиқ 97 та назорат қилувчи идоралар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида тадбиркорликка оид қўний ҳўжатларининг ижроси бўйича ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганишлар давомида назорат қилувчи идоралар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан 1200 дан ортиқ ҳўлатда тадбиркорликка оид қўний ҳўжатларининг бузилиши ҳўлати ҳамда 18 та ҳўлатда назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш рухсатсиз, аниқроқ қилиб айтганда, нокўний текширишлар ўтказилганлиги аниқланди.

Аниқланган қўний бузилиш ҳўлатларини бартараф этиш ва айбдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини қўриб чиқиш юзасидан тегишли идора ва ташкилотларга 172 та тақдимнома киритилиб, ушбу тақдимномаларга асосан жами 215 нафар мансабдор шахс, шундан 5 нафари эғллаб турган вазифасидан озод қилинди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ундирилган 5 млн. 600 минг сўмдан зиёд пул маблағлари тадбиркорларга қайтарилиши таъминланиб, 18 та нокўний қарорлар бекор қилинди, 25 нафар шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан тегишли идораларга тақлифлар киритилиб, 14 нафар айбдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорлик субъектларининг қўний ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, бу борада аниқланган қўний бузилиш ҳўлатларини зудлик билан бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка масаласини ҳал этиш келгусида ҳам Адлия бошқармаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Жамшид НУРИТДИНОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Сайловчилар ишончига ўз-ўзидан эришилмайди

Ўз-ўзини танқид

Дарҳақиқат, бунинг учун партиявий фаолиятга янгича ёндашув, аҳоли, электрорат манфаати йўлида ташаббускорлик, жонқурлик талаб этилади. Бу борада Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилоят Кенгаши фаолларининг ўтган давр мобайнидаги амалга оширган ишларини таҳлил қиладиган бўлсак, бирмунча ютуқларга эришилганлигига гувоҳ бўламиз.

Ҳозирда вилоятда партия аъзолари сони 6560 нафарга яқинлашиб, БПТлар сони 214 тани ташкил этмоқда. Аъзоларимизнинг 2850 нафарга яқини олий маълумотли, 9 нафари фан номзоди, 1 нафари эса фан доктори илмий даражасига эга. Яна бир кўрсаткич, аъзолик бадали тушумлари ҳам ҳар йили 20 миллион сўмдан ошмоқда. Бу

аҳоли, айниқса, партия электрорати ва тарафдорлари орасида тарғибот-ташвиқот ишларининг изчиллик билан олиб борилаётганидан далолат. Қолаверса, Кенгаш фаолиятида яна бир муҳим жиҳат — аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган савй-ҳаракатлар яққол кўзга ташланади. Масалан, вилоят

даги мактаб-интернатлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиб келинаётгани ҳам ижобий самара бермоқда. Шунингдек, Косон, Шаҳрисабз туманларидаги Шовкан, Чорки, Чуқун, Қутчи маҳаллалари ҳудудида тоза ичимлик сув қувурлари тортилиши ёҳуд Муборак тумани марказидаги маҳаллаларда спорт ўйингоҳи қурилишида ҳам вилоят Кенгашининг ташаббускорлик кўрсатгани партия тарафдорларининг ортшини таъминлади.

Айни пайтда вилоятда 13 та туман ва битта шаҳар Кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Шу туфайли ҳам йил сайин амалга оширилаётган ишлар қўламини кенгаймоқда. Қўрилаган зарур чора-тадбирлар боис туман ва шаҳар кенгаш-

лари ҳамда бошланғич ташкилотларнинг фаолияти ортиб бораётган. Биргина жорий йилда вилоятнинг турли ҳудудларида 50 дан ортиқ тадбирлар — давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, учрашувлар, очик мулоқотлар, уюшқоқлик билан ўтказилди. Айниқса, февраль, март ойларида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинимаси, «Қамолат» ЕИХ вилоят бўлими билан ҳамкорликда жойларда партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғиб этишга бағишлаб ташкил этилган тадбирлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Албатта, бундай учрашувлар ўз самарасини бермоқда. Биргина партиянинг Қарши шаҳар кенгаши та-

шаббуси билан Қашқадарё электр тармоқлари ОАЖда уюштирилган самарали мулоқот натижасида жамоанинг 88 нафар ходими ихтиёрий равишда партия сафига қабул қилинди. Шунингдек, худди шундай тадбирлар боис, Мукаддас Турсунова раислик қилаётган шошилинч тез тиб-бий ёрдам марказидаги БПТга 100 нафар, Гўзал Рўзманова етакчилигидаги пармалаш бошқармасида тузилган БПТга эса 42 нафар партия аъзолари бирлашди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Ҳозир Қарши шаҳар партия кенгашида аъзолар сони 1130 нафардан ошган бўлса, шуларнинг 560 нафари хотин-қизларни ташкил этади. Бошланғич ташкилотлар сони эса 37 та етди. Бу ишларни ташкил этишда

шаҳар партия кенгаши раиси Рўйиддин Рауповнинг фаоллиги ва топширилган вазифага ўта масъулият билан қараб келаётгани асосий омил бўлаётган.

Аммо барча ҳудудий кенгашларимизда ҳам партиявий-ташқилий ишлар кўнгилдагидек деб бўлмайди. Айрим партия етакчилирида ташаббускорлик суст. Жамиятдаги муаммолар ва унинг адолатли ечимига нисбатан партия аъзоларининг ўзига хос фаоллиги, муносабати сезилмаётган.

Хулоса қилиб айтганимиз бўлсак, сайловчилар ишончига, обрў ва юксак салоҳиятга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунга ҳар бир партияимиз етакчилари доимо ёдда тутмоғи лозим.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қашқадарё вилоят Кенгаши
матбуот хизмати.

Партия ҳаёти

Аниқ мақсад йўлида

Бошланғич ташкилотларда

Ўзбекистон «Адолат» СДП марказий ва маҳаллий органларининг ишини фаоллаштириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишда унинг ролини кучайтириш, шунингдек, партиянинг аҳоли ўртасидаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган 2011-2014 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурда назорда тутилган вазифаларни бекам қўст бажариш мақсадида омма ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўйштираётган Сурхондарё вилояти партия Кенгаши «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «БПТлар ишини тақомиллаштириш ва фаолият самарадорлигини ошириш» мавзусидаги семинар муносабати билан Қумқўрғон туманидаги «Дўстлик» маҳалласида маҳаллий Кенгаш депутатлари, тумандаги бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия фаоллари, маҳалла фаоллари, сиёсий жараёнга бефарқ бўлмаган ёшлар жам бўлишди.

Вилоят партия Кенгаши раиси ўринбосари И.Қурбонов сўз олар экан, партия

зиммасидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда БПТ фаоллиги муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

— Биз куйи ташкилотлар фаолиятини, улар ўтказётган тадбирлар мазмун-мундарижасини қайта кўриб чиқишимиз зарур. Негаки жойларда ўтказилаётган айрим тадбирлар сон учун, ҳисоботлар учун ўтказилаётгандек таассурот уйғотмоқда. Шу билан бирга, ўтказилаётган таҳлиллар айрим ҳудудларда БПТлар сони бор-у, уларнинг амалий фаолияти сезилмаётганлигини ҳам кўрсатмоқда, — дейди И.Қурбонов.

Тадбирда вилоятдаги энг намунали бошланғич ташкилот раҳбарларининг иштироки, ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашиши айна муддао бўлди.

Шунингдек, тадбир давомида «Сиз «Адолат» СДПни қанчалик биласиз?» викторинаси йиғилганларда катта

қизиқиш уйғотди. Партия ҳаётига оид савол-жавобларда барча фаол бўлишга интилни. Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини яхши билган викторина иштирокчиларига эсдалик совғалар топширилди.

— Социал демократия — бу, биринчи навбатда, ахлоқий ҳаракат эканлигини чуқурроқ англадим, — дейди тадбир иштирокчиси «Дўстлик» маҳалласидаги БПТ фаоли И.Абдуллаев. — Шубҳасиз, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа барча соҳаларида инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ва шу мақсадда ҳаракат қилувчи барча кишилар унинг тарафдорларидир.

Шу куни партиянинг бир гуруҳ янги аъзоларига аъзолик билетлари топширилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.



Амалий тақлифларнинг юксак самаралари

Давомий. Боши 1-бетда

Истиклол йилларида мамлакатимизда ҳам барча соҳаларда бўлгани каби фан ва техникани ривожлантиришда муайян ютуқларга эришилди. Бунда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтиришга қаратилаётган улкан эътибор муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида улкан аҳамият касб этмоқда.

«Ўзэкспомарказ»да 3-5-май кунлари бўлиб ўтган Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар V Республика ярмаркаси ҳам ҳар жиҳатдан самарали бўлди дейиш мумкин. Унда мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари томонидан яратилган янги ишланмаларни жорий этиш бўйича умумий қиймати қарийб 11 миллиард 400 миллион сўмлик уч юздан зиёд шартномалар имзоланди.

Ярмаркада ишлаб чиқариш ни оптималлаштириш, ресурсларни тежаш, маҳаллий хомашёдан фойдаланиш, импорт ўрнини босиш ва экспорт тузилмасини кенгайтиришга қаратилган беш юздан ортиқ технология, ишланма ҳамда гоёлар намойиш этилди. Уларнинг аксарияти яқин истиқболда иқтисодийимиз реал сектори ва ижтимоий соҳанинг саноат, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқ сақлаш, фармацевтика, ахборот технологиялари, илм-фан ва таълим каби муҳим тармоқларида жорий этилади ҳамда уларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси, Республика Фанлар академияси Президенти Ш.Соли-

ҳовнинг таъкидлашича, бу йил аввалги ярмаркалар натижалари таҳлил этилган ҳолда тақдим этиладиган ишланмаларнинг сони эмас, сифати, уларнинг самарадорлиги, шунингдек, ишлаб чиқаришга жорий этишга тайёрлиги ярмаркада қатнашишнинг муҳим шарти сифатида белгиланди. Аввалги ярмаркалардан фарқли равишда, бу гал ташкил этилган ярмарканинг янги — «Технологиялар трансфери» бўлимида энг истиқболли ва тижорат имкониятлари юқори элликта ишланма намойиш этилди. Қолаверса, яна 24 та ишланма «Оилавий бизнес» бўлимида иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Маълум қилганимиздек, ярмарка ва унинг доирасида ташкил этилган илмий-амалий анжуманларда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам нафақат ташкилотчи сифатида балки Республикада инновация турлидаги иқтисодийни ташкил этишга қаратилган саъй-ҳаракатларининг амалий натижаси бўлган ўзининг истиқболли лойиҳаси билан ҳам иштирок этди. Аҳамиятлиси партиянинг бевоқифа кўмаги билан Тошкент вилояти Уртачирчиқ туманининг Қучлик маҳалласида «Ихлос Бизнес Барака» хусусий корхонаси томонидан ишга туширилган чикиндидан биогаз ва биоўғит олиш қурилмасига иштирокчилар томонидан катта қизиқиш билдирилди.

Ярмарка давомида бир томондан, лойиҳамизни янада тақомиллаштириш юзасидан олимларимиздан қимматли тақлифлар олган бўлсак, иккинчи томондан, республика-миздаги бир қатор йирик корхоналар ва фермер ҳўжаликлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга эришилди, — деди «Ихлос Бизнес Барака» хусусий корхона директори Муроджон Менглиев. — Хусусан, Олмалик Тоғ-кон комбинати — 500 миллион, Бекобод Металлургия комбинати — 300 миллион, «ЭКОЛОС» компанияси — 100 миллион, «Ўзтрансгаз» — 120 миллион, «Ўзнефтегаз» — 100 миллион, Ўзбекистон поллиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти — 90 миллион, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги «Уста Мадали», Фаргона вилояти Тошлоқ туманидаги «Оқ чаш-

ма» фермер ҳўжаликлари — 70 миллион сўмликдан ва бошқа жами 9 та, 1 миллиард 300 миллион сўмлик шартномалар тузишга келишиб олинди.

Шунингдек, ярмарка давомида Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди. Инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада тақомиллаштириш, ўшбу жараёнда илмий-техник ахборотнинг роли, ҳамда мамлакатимизда муқобил энергетикани ривожлантириш тақлилий ва ҳуқуқий асослари, қайта тикланувчи энергия қурилмаларини ишлаб чиқаришга оид фаолиятни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ишлар самараси, табиий ресурсларни тежаш борасида амалга оширилаётган ҳуқуқий базасини янада тақомиллаштириш, бу йўналишдаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги натижаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Бундан ташқари, «Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш: муаммолар ва истиқболлар» мавзусида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Ўшбу тадбирларда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва фаоллари ҳам иштирок этишди ҳамда ўз маърузаларида соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва уни амалиётга жорий этиш юзасидан қатор амалий тақлифларни илгари суришди.

Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар V Республика ярмаркаси якунида асосий соҳалар ва йўналишларни ўз ичига олган саккиз номинация бўйича энг яхши инновация лойиҳалари танловининг ғолиблари муқофотланди.

Мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш механизминини мустаҳкамлашга қаратилган маъруза ярмарка мамлакатимиз инновацион тараққиётини яна юксалтиришда юксак самаралар бериши шубҳасиз.

Илос САХАТОВ,
«Адолат» мухбири.

Ҳамкорликда гап кўп

Сиёсий ўқиш

Ўзбекистон «Адолат» СДП Нукус шаҳар Кенгаши ташаббуси билан «Депутатлар ва маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида сиёсий ўқув машғулотли ўтказилди.

Тадбир партиядан сайланган депутатларнинг ўз сайловчилари олдидаги масъулиятини мустаҳкамлаш масаласига қаратилди. Ўқув машғулотлида Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси ўринбосари Р.Отарбаевнинг «Маҳалла, партия ва депутатлар ҳамкорлигининг аҳамиятли масалалари» мав-

зусидаги маърузаси тингланди.

— Маҳаллаларда яшовчи ҳар бир сайловчининг қувончи ва ташвишларини яқиндан билиш, уларни қийнаётган муаммоларнинг ечимини таъминлаб бериш Кенгашимиз олдидаги устувор вазифа бўлмоғи керак, — деди маърузачи. — Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд.

Ҳудудимизда «Адолат» СДП-га хайрихоҳ инсонлар жуда кўплаб топилади. Биз фидойилик билан уларнинг кўнглига йўл топиб, амалий ишларимиз билан ўрнатилган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикасида аъзоларимиз ва хайрихоҳларимиз сафи кенгайиб, партиямиз нуфузи ва обрўи янада юксалади. Бунинг учун партиямиздан сайланган депутатлардан ҳалқ ичига янада чуқурроқ кириб боришлари, жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтиришлари, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишлари талаб этилади.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўқорги Кенгаши депутати Б.Жуманазарова иштирокчиларни депутатлик

сўровини ёзишнинг намунавий шакли билан таништирди ва ўз депутатлик тажрибалари билан ўртоқлашди.

Сиёсий ўқув машғулотлида иштирокчилар «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури-ни амалга оширишда маҳаллий Кенгаш депутатлари олдида турган вазифалар, аҳолининг мавжуд муаммоларини ўрганишда сиёсий партиямизга ва депутатларга берилган имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати.

Маҳаллий кенгаш депутати

унинг фаолиятида электрорат манфаатлари устуворлик касб этиши лозим

Депутатлик гуруҳи

Ҳалқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашига Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган депутатлар гуруҳининг раҳбари Фўрқат Қодиров ўз фаолиятида электроратни ўйлантараётган масалаларга жавоб топиш, вазиятдан келиб чиқиб муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ўзи сайланган 18-«Улўғбек» сайлов округи сайловчилари билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш боросида барча имкониятларини ишга солмоқда.

Ф.Қодиров бошчилигидаги депутатлик гуруҳининг жорий йилдаги иш фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, у аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган ва саломатлигида муаммолари бор фуқароларнинг оилаларга ёрдам бериш борасидаги ишларга бош қўшаётганини кўриш мумкин. Ўшан йили бошланган ишларнинг узвий давоми сифатида депутатлик гуруҳи аъзоларидан Фарход Ихтиёров (10-«Шодлик» сайлов округидан сайланган), Йўлдош Эгамов (13-«Бунёдор» сайлов округидан сайланган) билан биргаликда аҳолидан ташаётган мурожаатларни ижобий ҳал қилишда фаоллик кўрсатмоқда.

Депутатлик гуруҳи раҳбари Ф.Қодировнинг бевоқифа кўмаги билан Мустаҳкам оила йилида маҳалла ёшларидан 6 нафари «Паритет-Акцент» хусусий корхонасига, яна 3 нафари «Бухоро Футсортинг» МЧЖга ишга жойлаштирилди. Шунингдек, депутатлик гуруҳи шаҳар Бандиқла кўмаклашиш маркази ва ўз сайлов округларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан яхши алоқа ўрнатган бўлиб, қўшимча иш

ўринлари яратиш юзасидан имкониятлар излашмоқда.

— Маҳаллий кенгаш депутати фаолиятида электрорат манфаатлари устуворлик касб этиши лозим, — дейди Ф.Қодиров. — Шу нуқтаи назардан депутатлик гуруҳи ўтган йилнинг октирида ҳудуддаги корхона-ташкilotларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўриш ишларининг бориши устидан мониторинг юритиб, шаҳардаги 9-сон Ж.Икромий МФЙ ҳудуддаги еттига кўп қаватли уйлардаги иситиш тизимининг 2011-2012 куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини назоратқа олди. «Инкирозга қарши кураш», «Сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш», «Йўл қурилиши» ҳудудий дастурларининг бажарилиши юзасидан ҳам тегишли мониторинг ишлари олиб борилди.

Умумҳалқ байрамлари олдида ўз ҳудудларидаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ногиронларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга совға, дори-дармон улашиш каби ишлар ҳам депутатларимизнинг хайрли амалларига айланган.

«Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши раис ўринбосари Д.Ҳамдамовнинг айтишича, шаҳар депутатлик гуруҳи томонидан маҳаллалар ва корхоналарда «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан Давлатимиз раҳбарининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив

саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»га ва шу соҳага оид бошқа қарорларнинг мазмун-моҳияти ва амалга оширилиши юзасидан аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод» жамғармаларининг вилоят бўлими ва «Камолот» ЁИХнинг шаҳар бўлими билан ҳамкорликда жамоатчилик ўртасида репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган «Она ва бола — гул билан лола», «Соғлом оила — жамият таянчи», «Маҳаллам — кичик Ватаним» номли кенгайтирилган тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Бундан ташқари, депутатлик гуруҳининг иш режасига кўра шаҳар ички ишлар бўлими ҳамда шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя

қилиш, одам савдосига қарши курашиш каби огоҳликка чақирувчи тадбирлар ҳам мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли депутатлик гуруҳи томонидан ижро ҳокимияти мансабдор шахсларининг шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича ҳисоботларини эшитиш, сайловчиларни ўйлантараётган ҳамда ўз ечимини қўйиб турган долзарб масалаларни шаҳар Кенгаши сессияси кун тартибига кириштириш, депутатлик сўровлари самараларини ошириш бўйича жоннаш кузатилган бўлса-да, буни ҳали талаб даражасида деб бўлмайди.

Шу боис Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг салоҳиятли номзодларини шакллантириш, уларнинг сиёсий билим ва тажрибаларини ўстириш масаласи ҳам Бухоро шаҳар партия кенгаши депутатлик гуруҳининг доимий диққат марказида. Аҳоли орасида ўз электроратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, ёш кадрларни ишга жойлаштириш, коммунал хизматлар кўрсатилишини тартибга солиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда ижтимоий адолат таъминлашнинг амалий ишларини давом эттиришда депутатлик гуруҳларимиз ўз зиммаларидаги масъулиятни сидқидилдан адо этишмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши матбуот хизмати.



Соғлом рақобатни таъминлаш йўловчилар хавфсизлигига хизмат қилмоқда

Қарор ижроси партия
назоратида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги “Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талаблари ижроси бўйича масъул корхона ва ташкилотлар жорий йилнинг 1 январидан бошлаб иш юритмоқда. Ўзбекистон “Адолат” СДП Навоий вилояти Кенгаши, Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими, Навоий шаҳар юк ва йўловчи ташиш транспорт департаменти давлат корхонаси ва Навоий шаҳар давлат солиқ инспекцияси ҳамкорликда қарор ижроси бўйича Навоий вилояти ва Навоий шаҳрида йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишларни ўрганди.

Бугунги кунда сариқ ранга бўялган, зарурий таниш белгилар билан жиҳозланиб, ҳужжатлаштирилган таксилар сони кўпайиб, аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчилар орасида соғлом рақобат юзага келди ҳамда хизмат бирмунча яхшиланди. Бироқ шунга қарамайдан, муаммо ва камчиликлар ҳам учраб турибдики, уларни бартараф этиш мақсадида масъул органлар қизғин иш олиб боришмоқда.

Хуқуқбузарларнинг транспорт воситалари жарима майдонларига қўйилмоқда. Тегишли идоралар томонидан тўртта ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилиб, қолган ишлар бўйича хуқуқбузарлардан давлат фойдасига жарималар ундирилмоқда. Бунда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситалари ҳайдовчиларининг “Ишонч телефони”га берган маълумотлари яхши самара бераётгани қувонарли. Бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатиш энг мақбул йўл саналмоқда.


Қура-била туриб, масъул раҳбарлар томонидан ноқонуний фаолиятга йўл очиб берилгани, яъни маст ҳолда ёки бошқариш ҳуқуқи бўлмайдиган, тегишли ҳужжатларсиз, техник носоз, рўйхатсиз қайта жиҳозланган, рўйхатга қўйилмаган, мажбурий техник кўрикдан ўтмаган ва бошқа шартлар тўғрисида фойдаланиш тақиқланган транспорт воситаларини йўлга чиқаргани учун вилоятдаги транспорт корхоналарининг 10 нафар мансабдор шахсига маъмурий чоралар қўлланилди. Йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи “Илдамавтосалтанат”, “Оқолтинмаштранс”, “Барнотранс”, “Наргизабегим”, “Навоийабортранс” ва “Навоийюктранс” каби корхоналарда транспорт воситаларининг йўналишларга чиқарилиши назорат тариқасида текширилганда, уларда транспорт воситалари механик кўригидан, ҳайдовчилар

тиббий назоратдан ўтказилмагани, ҳужжатлари текширилмасдан йўналишларга чиқарилаётгани, йўл варақалари сохта имзоланиб, муҳрланаётгани каби ҳолатлар кузатилди.

Уч ой мобайнида 1203 та йўналишсиз такси сариқ ранга бўялиб, тегишли давлат рақам белгилари олиб йўловчи ташиш ҳуқуқига эга корхоналарга аъзо бўлдилар. Бироқ “Барнотранс”, “Хуршидтранс”, “Навоиййўловчитранс” корхоналари ўз аъзолари бўлган йўналишсиз таксиларнинг аниқ сони, шунингдек, янги давлат рақам белгисини ҳанузгача билмасдан, назоратсиз қолдирганликлари оқибатида уларнинг ойнаб лицензия ва йўл варақаси учун белгиланган божларни тўламайдиган бемалол “фаолият юритаётганликлари” аниқланди. Шунингдек, “Транс сервис Зарафшон” корхонасида ҳайдовчи лицензия учун ҳақ тўлаб, лицензия варақасини олмагани, бироқ унга тўлов чиптасига асосан йўл варақаси ёзиб берилганлиги, бу эса солиқ идоралари томонидан ноқонуний даромад олиш деб баҳоланаётгани каби чиғаллаштирилган ҳолатлар ҳам юз бермоқда.

Қарор ижроси бўйича вилоятда 1800 та йўналишсиз такси фаолият юритмоқда. Бироқ бугунги кунда уларнинг 1203 таси сариқ ранга бўялган, 1173 таси махсус давлат рақами олган ҳолос. Рейдлар давомида 148 такси лицензиясиз, 182 такси соҳибни йўл варақаси ҳаракатланаётгани аниқланди.

— Навоий шаҳридаги 14 та йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналарнинг 9 тасида йўналишсиз таксилар мавжуд, — дейди “Наргизабегим”, “Навоийабортранс” ва “Навоийюктранс” каби корхоналарда транспорт воситаларининг йўналишларга чиқарилиши назорат тариқасида текширилганда, уларда транспорт воситалари механик кўригидан, ҳайдовчилар



қилинди. Шундан 385 та автоулов махсус давлат рақамига эга. Бу борада корхоналар кесимида автоуловларни сариқ ранга бўяш бўйича кунлик режа тақсимот қилиниб, уюшма раҳбарларига етказилган.

Автотранспорт воситаларини сариқ ранга бўяш, тепасига тўқ сариқ рангли таниш белгисини ўрнатиш, шахмат тартибда жойлаштириш, лозим бўлган қора квадратлардан иборат композиция ва автотранспорт воситаларининг олди эшикларига ўрнатиладиган “Т” тасвири, автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси ва меъёрий ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни ўрнатиш бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, юқоридаги қарорнинг ижросини тўлиқ таъминлашга эришиш бўйича корхоналар томонидан ҳали анча ишлар қилиниши керак. Корхоналар раҳбарлари иштирокида юқоридаги масала юзасидан 2012 йил январь, февраль ойларида 3 маротаба йиғилиш ўтказилиб, қарор ижросини тўлиқ таъминлашга йўл-йўриқлар, ҳисоблагич (таксометр), таниш белгиларини етказиб берувчи ташкилот номи ва шартномалари берилган. Корхона томонидан автоуловнинг ташқи томонини жиҳозлаш, яъни қора квадратлардан иборат композиция ва автотранспорт воситаларининг олди эшикларига ўрнатиладиган “Т” тасвири, автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси ва меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ва корхона номини ўрнатиш бўйича таҳлил қилинганда бу қўрсаткич 70 фоизга амалга оширилгани аниқланиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Бу борада “Нуртранс”, “СТМ” ва “Абортранс” корхоналари томонидан барча талаблар бажарилаётган бўлсада, “Навоийавтоташмисавдо”, “Навоийюктрансхизмат” ёки “Хуршидтранс” корхоналари раҳбарлари буни ҳаёлига ҳам келтирмаётганликлари ачинарли ҳолдир. Йўналишсиз таксилар учун шаҳарда 7 та тротуар олди тўхташ жойлари ва бит-

та махсус тўхташ жойи ташкил қилиниши лозим эди. Бугунги кунда шаҳар ҳокимиятининг қарори билан таксилар учун 6 та тротуар олди тўхташ жойи ва битта махсус тўхташ жойлари учун жой ажратилиб, масъул ташкилотларга бириктирилди. Улар томонидан мазкур объектларнинг ҳар иккала томонига такси тўхташ белгисини ўрнатиш, бардёрларни оқ ранга бўяш, чор атроф тозаллигини доимий назоратга олиш ва қарордаги бошқа барча талабларни бажариш юқлатилган. Бугунги кунда “Саховат” МЧЖ томонидан 2 та ва

майдонига қўйилди.

— Ўтказилган текширувларда 97 нафар фуқаро аниқланиб, улардан 94 нафарига нисбатан тўпланган текшириш материаллари Ўзбекистон Республикаси маъмурий жиноят кодексининг 176-моддаси билан қўриб чиқишлик учун Навоий шаҳар судига юборилиб, уларга 55836 минг сўм миқдорида маъмурий жарима белгиланди. Масалан, “Тико” русумли 85-L251AA давлат рақамига эга автомобиль ҳайдовчиси Нўмон Худойназаров ва “Матиз” русумидаги, давлат рақами 21-F463AA бўлган Бобоқул Қодиров ва

Йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи “Илдамавтосалтанат”, “Оқолтинмаштранс”, “Барнотранс”, “Наргизабегим”, “Навоийабортранс” ва “Навоийюктранс” каби корхоналарда транспорт воситаларининг йўналишларга чиқарилиши назорат тариқасида текширилганда, уларда транспорт воситалари механик кўригидан, ҳайдовчилар тиббий назоратдан ўтказилмагани, ҳужжатлари текширилмасдан йўналишларга чиқарилаётгани, йўл варақалари сохта имзоланиб, муҳрланаётгани каби ҳолатлар кузатилди.

йўналишсиз таксилар фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар томонидан 3 та махсус тўхташ белгилари тайёрланиб, улардан бири Ибн Сино кўчасига ўрнатилди.

2012 йил январь, февраль ойлари давомида ўтказилган рейдлар натижалари таҳлил қилинганда, масъул назорат ташкилотлари билан ҳамкорликда 31 та рейд ўтказилиб, 82 та ноқонуний лицензиясиз фаолият кўрсатиш ҳолати аниқланди ва улардан маъмурий кодекснинг 176-моддасига асосан 51,5 миллион сўм миқдорида жарима ундириб олинди. Шунингдек, 34 та автоулов эгаларининг йўл варақасисиз фаолият кўрсатиш ҳолати кузатилди. “Қонунбузар” автоуловлар ИИБ ЙХХБ ходимлари томонидан жарима

21G6845 рақамли “Тико” автомобиلى соҳибى Камолиддин Жумаевларнинг ноқонуний фаолиятларига чек қўйилиб, улар тегишли жавобгарликка тортилдилар, — дейди Навоий шаҳар давлат солиқ инспекцияси маъмурий амалиётни ташкил этиш ва назорат қилиш шўъбаси бошлиғи Рустам Матиев.

Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳўжалик юритувчи субъектларга қонунчиликка, меъёрий ҳужжатлар талабларига сўзсиз амал қилиш кераклиги ўқитилиб, масъул органларга тегишли тақдир ва мулоҳазалар киритилди.

Б.ТЕМИРОВ.

Тадбиркорлик

Самарқанд туманида саноат корхоналарини модернизацциялаш, технологик жараёнларни такомиллаштириш орқали рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йўналишда фаолият юритаётган ўнлаб кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаровонликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Иш билганга — минг танга

«Трейдинг плюс» қўшма корхонаси кўп тармоқли ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлиб, бозор талабларига ҳозиржавоб бўлаётган саноат корхоналаридан бири. Бу ерда синтетик матолар тўқиш цехи, алкоғолсиз ичимликлар линияси, сабзавот етиштириладиган иссиқхоналар узлуксиз ишлаб турибди. Бозорни ўз маҳсулотлари билан сероб қилаётган жамоанинг моддий манфаатдорлиги ҳам ортиб бормоқда.

— Ҳозир фаолиятнинг янги тури билан шуғулланиш мақсадида товукхона қуришни бошлаганимиз, — дейди корхона ижрочи директори Сухроб Файзуллаев. — Банк бизнес лойиҳа-мизни маъқуллади. Ҳокимлик қўшимча ер майдони ажратди. Бройлер цехи фаолиятини бошлагач, 20 кишини ишга жалб этиш ва ўнлаб тонна парҳез гўшт етиштиришни мўлжаллаяпмиз.



Суратларда: корхона фаолиятдан лавҳалар.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири.



Уяли “рюкзак”

Божхона бекати

Ахборот технологиялари шиддат билан тараққий этиб борар экан, уларга нисбатан қизқиқчининг ортиб бориши ҳам тобора жадаллашиб бораверади. Тўғри-да, дастлаб фақатгина оғзаки мулоқот учун хизмат қилган мобил телефонлар бугунга келиб, бутун бошли компьютернинг функцияларини ўзида мужассам қилиб бормоқда. Илгари шунчаки МР-3 ўқий оладиган телефонларга ҳавас билан қараган бўлсак, бугунги мобил телефонлар олдида улар техниканинг арзимас ютуғидек туюлади.

Гарчи, жамият ривожидagi аҳамиятини инкор этмасак-да, ахборот технологияларининг оммалашши иқтисодий қондалар асосида амалга ошса ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир. Хусусан, уларни республикамизга олиб киришда божхона қоидаларига риоя этиш мамлакатимиздаги рақобат муҳити ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини химоя қилишда муҳим роль ўйнайди.

Афсуски, “ҳам саёҳат, ҳам тижорат” нақлига амал қилиб, хориждан ахборот технология воситаларини олиб қайраётган айрим юртдошларимиз мазкур қоидаларни четлаб ўтишга уринишмоқда.

Жумладан, Лондондан учиб келган пойтахтлик А.Исломов қиймати 2,7 миллион сўмдан ортиқ 4 дона уяли телефонлар ва уларнинг аксессуарларини божхона баённомасида ҳамда оғзаки сўров пайтида маълум қилмасдан туриб, олиб ўтишга уринган пайтда тўхтаиб қолди.

“Сеул — Тошкент” йўналиши бўйича парвозини якунлаган фароналик Ф.Хатамова ҳам қиймати 2,7 миллион сўмдан ортиқ 20 дона уяли телефонларни яширинча олиб ўтган деб қаттиқ адашди. Бирлашган Араб Амирлигидан қайтган пойтахтлик А.Миралиевнинг эса божхона қоидаларини четлаб ўтиб, жуда кўп миқдордаги ахборот технологиялари воситаларини олиб киришга урингани фош қилинди. Божхона баённомасидан “тушириб” қолдирилган видеокамера, фотоаппарат, ноутбук, электрон планшет, уяли телефон каби жами 11 дона товар-моддий бойликларнинг умумий қиймати 27 миллион сўмни ташкил қилар экан.

Шу йўналишда парвозини якунлаган яна бир фуқаро — шахрисабзлик О.Раҳмановнинг рюкзакига эса «i-Pad» электрон планшети, 3 дона «Nikon» фотоаппаратлари ва 19 дона «i-Phone» уяли алоқа телефонлари “огирлик” қилди. Қиймати 45 миллион сўмдан ортиқ мазкур товарларни божхона назоратидан бекитишнинг оқибати шу-да!

Ваҳоланки, юқоридаги ҳолатларда юртдошларимиз белгиланган меъёрдан ортиқча олиб қилинган товарларни божхона баённомаси ва оғзаки сўров пайтида маълум қилиб, уларнинг божхона тўловларини тўлаган ҳолда юртимизга бемалол олиб киришлари мумкин эди. Қийматбаҳо техникаларни харид қилишга маблағ топиб, божхона тўловига келганда пайсаллаётган фуқароларнинг қинғир ҳатти-ҳаракатлари пушаймонлик билан яқун топиши муқаррардир.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида “Тошкент-Аэро” иқтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан аниқланган 25 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 98 миллион сўмдан ортиқ мобил телефон, электрон планшет, компьютер, ноутбук каби 120 донга яқин ахборот-технология воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

“Тошкент-Аэро” ИБК ахборот хизмати.

ХДП Ўзбекистондаги ягона партия эмас-ку!

Партиялараро мунозара

Ҳаммамиз жуда яхши биламиз, муқаддас юрт, она Ватан номи ҳудо-беҳудага ишлатилармайдими: оҳори тўкилиши мумкин. Тўғри, биз ҳаммамиз шу Ватан фарзандларимиз, у билан фахрланамиз, ғурурланамиз. Айни пайтда, биз ўз эҳтиромимизни, муҳаббатимизни қалбимиз тўрида авайлаб-асраб сақлаймиз, уни кўз-кўзлайвермаймиз. Бунинг устига, очиғини айтганда, Ўзбекистон номидан гапириш, унинг номини байроқ қилиб кўтариш учун муайян инсоннинг ённки муассасанинг маънавий ҳаққи ҳам бўлиши керак-да.

Шундай мулоҳазалар юритиш асосида мени анча йиллардан бери бир воқеали кўп ажаблантиради. Маълумки, бугун юртимизда тўртта сиёсий партия фаолият юритмоқда. «Адолат» СДП ва «Миллий тикланиш» партияларининг «Адолат» ва «Миллий тикланиш», ЎзЛиДеПнинг «XXI asr» газеталари

чоп этилади. Аммо нима учун ХДПнинг газетаси ҳамон «Ўзбекистон овози» номи билан нашр этиляпти, шунга тушунмайман. Балки у биз кўп йиллар мутулаа қилиб келган, ягона партиянинг ягона бош наشري бўлган «Совет Ўзбекистони»нинг вориси сифатида шу ном билан қолгандир. Бу билан улар

бевосита коммунистик партиянинг издоши эканликларини тан олишмоқчимиз? Ё бу ерда мен тушунмаган бошқа маъно борми? Ахир, бир партиянинг наشري бутун Ўзбекистоннинг овози сифатида эътироф этилар экан, бу ҳол мазкур партияга алоҳида имтиёз, қулайлик, енгиллик яратилганидан далолат бермайдими? Дейлик, хорижга борган юртдошларимиз яхши билишади, бутун бошли мамлакат номи қўшилган ҳолда чоп этилаётган нашрларга алоҳида иззат кўрсатилади. Айтмоқчиманки, ЎзХДП ҳам бевосита ва билвосита коммунистик партиянинг вориси сифатида ўзида бу имтиёзни сақлаб қолмадими? Ахир, демократик жамиятда қандай қилиб ҳокимият учун курашаётган, бунинг устига ўзини муҳолифат деб эълон қилган алоҳида партиянинг наشري бутун республиканинг овози-

га айланиши мумкин? Бу мантиққа зид эмасми? Нима, қолган партияларда халқ номидан гапириш вақолати йўқми? Мен шу юртининг фуқароси эканман, қандай қилиб юртимнинг овози (айниқса, хорижликлар учун) фақат битта партиянинг наشريда акс этиб туришини тушунишни истайман. Ахир мисол учун узоқ мулоҳазалардан сўнг шу ёшимда ўзим, айтиайлик, социал-демокра-

тик ғоялар, демак «Адолат» тарафдориман. Унда нима учун менинг овозим бошқа партиянинг наشريда намоён бўлиши керак?

Хуллас, «Адолат» газетасига мурожаат қилишимдан мақсад, мутахассислардан шу масалага ойдинлик киритиб беришларини илтимос қилиш.

А.ОЛИМОВ,
пенсияер.

ТАҲРИРИЯТДАН: Хурматли Алишер ака. Сизни мушоҳадага чорлаган, қўлингизга қалам олишга ундаган мавзу юзасидан «Адолат» газетасида бундан бир йил бурун ҳам (2011 йил, 18 февраль. «Танқидми ёки иззатталаблик?») мақола эълон қилинганди. Афсуски, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти мутасаддилари ҳам, ЎзХДП масъуллари ҳам мазкур қизиқша муносабат билдиришни ўзларига эп кўрмадилар. Натижада кўпларни ўйлантириб турган савол жавобсиз қолди. Бу сафар ундай бўлмас, деган умидда мактубингизни газетамизда чоп этмоқдамиз. Худди Сиз каби, бизни ҳам қачонгача бир партия наشري бутун мамлакатнинг овози мақомини ўзида сақлаб қолиши қизиқтиради, албатта.

«ОМОНХОНА» БАЛЬНЕОЛОГИК ДАВОЛАШ МАСКАНИ

Ўтганларни хотирлаш,

атрофимиздаги инсонларни қадрлаш, иззат-ҳурматда бўлиш азалий қадриятларимиздан биридир.

— Хотира ва қадрлаш куни

муносабати билан аждодлар руҳини ёд этиб,

халқимизга сиҳат-саломатлик тилаймиз.

9
Май

WATANDOSHLARIMIZ XO
И НЕЗАВИСИМОСТЬ, ОЧА



Ўз ҳаётини Ватан озодлиги, бахт-саодати учун қурбон қилган аждодларимиз хотираси мангу яшайди.



Фуқаролар муурожаатлари

беиз, бесамар кетмайди

«Адолат»га жавоб берадилар

2002 йилнинг 13 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонун оммавий ахборот воситалари, ҳусусан, газеталар тахририятларига бевосита тааллуқли бўлиб, соҳа ходимларининг диққатини ўз ўқувчилари — яъни, фуқаролар билан ҳамфикр, ҳамқадам бўлишга, уларнинг муурожаатларига доим эътиборли туришга, ҳусусан ариза-шикоятлари сабабларини чуқур ўрганиб, ҳолисона баҳолашга қаратади, пиروвардида, камчиликларга, нуқсонларга қарши дадил, муросасиз курашишга даъват этади.

Шу нуқтаи назардан, «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетаси тахририятга фуқаролардан кун сайин келаётган кўплаб хат-хабарлар, ариза ва шикоятлар, шунингдек, озғачи тарзда ҳам олинётган муурожаатларда жойларда инсон тақдири билан боғлиқ айрим қусурлар, нохушликлар тафсилотлари учраб турибди. Бу — фуқароларнинг матбуотга ва унинг жамият ҳамда давлат ўртасида «тўртинчи ҳокимият» шаклидаги ўзига хос кўприк эканлигига, бу кўприк табиийки, уларга ҳамisha ҳолис, очик, ошқора минбар бўлиб хизмат қилишига бўлган ишончи, албатта.

Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Ўртақишлоқ ҚФЙ ҳудудидаги Исахони қишлоғида яшовчи фуқаро **Х.Диброва**, Бухоро вилояти, Гиждувон туманидан **С.Хайдарова**, андижонлик **Т.Муҳиддин**, Навоий вилояти, Хатирчи туманидан **Ҳасан Рўзикулов**, Қашқадарё вилояти, Ко-

сон шахридан **Б.Раҳмонов**, Самарқанд вилояти, Каттакўрғон туманидан **Қамолдин Носиров** ва бошқаларнинг йўллаган у ёки бу мавзудаги шикоят-аризалари ҳам тегишли равишда вилоят қишлоқ ҳўжалиги ва сув ҳўжалиги бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари иштирокида обдон ўрганилиб, ўртадаги низоли муаммолар ҳозир ечим топаётганлиги ва қайта кўриб чиқилаётгани хабар қилинади.

Тахририят почтасига тушаётган хатлар оқимида фуқаролар томонидан билдирилётган мулоҳазалар, киритилаётган таклифлар ва кўтариб чиқилаётган ташаббуслар ҳам бор. Масалан, Тошкент вилояти, Оккўрғон тумани, «Оккўрғон» ҚФЙ, Жалойир маҳалласида яшовчи **С.Тожибоев** («Адолат» СДП аъзоси) маҳалла ҳудудида

эски мактаб биноси мавжуд бўлиб, мактаб ҳозир қулай жойда янгидан қурилгач, омонат иморат ва унинг ер майдони эса ташландиқ ҳолда қолганлиги, айни шу ерда бугунги кунда болалар спортини ривожлантириш маркази қуриш имкони борлиги ташаббуси билан туман ҳокимлигига бир неча бор муурожаат қилганлиги, бироқ ҳокимликдан бирор (на ижобий, на рад) жавоб бўлмаётгани ҳақида кўйиниб ёзади. Наздимизда, ҳукуматимиз (шахсан Юртбошимиз!) болалар спортини ривожига, айниқса, қишлоқ жойларда мазкур соҳага бекиёс аҳамият бераётган бир кезде, фуқаролар кўтарайотган бундай ташаббуслар қўллаб-қувватлашга арзийди, албатта...

— Узоқ йиллар ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларида ишлаб, истеъфога чиққач яхши ният билан тадбиркорликни қўл урганимда шунчалик оворай сарсон бўлишимни тасаввур ҳам этмагандим, — дейди Самарқанд туманидаги Каттакўрғонлик МФЙ Хўжасоат маҳалласида яшовчи II гуруҳ ногирони **Юсуф Мамаризаев**. — Олти йилдирки, ўз пулимга сотиб олган мулкнинг қонуний эканлигини исботлай олмай вақтим идорама-идора юриш билан ўтаяпти. Аризада ҳаммаси батафсил баён этилган. Мана булар ҳақлигимни тасдиқловчи ҳужжатлар, даъвоимизни кўриб чиққан судларнинг қарор ва ажримлари, муурожаатларимизга турли идоралардан келган жавоблар.

Ҳақ эканимни била-туриб уни исботлай олмаётганим учун сизлардан яна бир қараёнда ёрдам сўрашга мажбурман. Тегишли идоралар, ҳусусан, Самарқанд вилоят прокуратураси зора матбуот чиқишига жиддий муносабат билдириб, бир неча йилдан бери чўзилиб келаётган ишга қонуний ва мантикий нуқта қўйса, деган умиддаман. Чунки аризаларимнинг барчасига бир хилда жавоб олаверибдан қарчадим.

Мамаризаев тахририятда тақдим этган ҳужжатлар, жумладан, турли идоралардан олинган расмий хатларнинг мазмун-моҳияти деярли бир хил. Уларда аризаларнинг вазлари, далиллари деярли ўрганилмаган. Икки-уч йил аввал қандай жавоб йўлланган бўлса, 2012 йилнинг 7 февраль санаси қўйилганида ҳам айнан ўша маъно ва ўша мазмун. Ваҳоланки, аризада бундан аввалги жавоб хатидан қониқарли ҳосил қилмай республика идорасига муурожаат этишга мажбур бўлганди. Ушбу хат ҳам доимийда Тошкентдан Самарқандга юборилган. Самарқанддан яна аввалги масъул шахснинг имзоси билан аризага жавоб йўллаган. Саналари ўзгартирилгани билан моҳияти бир хил.

— Мен ҳар бир муурожаатимда айнан ушбу жавоблардан қониқарли ҳосил қилмай аниқ саволлар билан қайта муурожаат қилганман, — дейди ариза муаллифи. — Мақсадим битта. У ҳам бўлса ана шу саволларга жавоб олиш, холос. Мутасадди идоралар ким ҳақлигини исботлаб берса бас.

Ю.Мамаризаев иши тергов жараёнида тергов органи томонидан икки марта қаратдан тўхтатилди, лекин ҳар икки сафар ҳам терговчининг бу ҳақдаги қарори шаҳар прокурори томонидан бекор қилинди.

Хуллас, йўқ жойдан айб қидираётган тергов органи ишни судга чиқарди. Жиноят ишлари бўйича Пайарик туман судининг 2012 йил 6 апрель ажримига биноан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 65-моддаси 1-қисми қўлланган ҳолда шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий ҳавфлигини йўқотган, деб топилди.

Хуллас, тадбиркорнинг идоралардан келган жавоб хатларига эътироз билдираётгани бежиз эмасдек. Агар уларга қонуний ва мантикий асослар билан жавоб қайтарилса, эътирозга ўрин қолмаслиги аниқ эди.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг тарғиботи ва ташвиқоти-га хизмат қилаётган «Адолат» газетасининг мақсад-маслаги — ижтимоий тенглик, ижтимоий адолат бўлиб, у инсон манфаатларини олий қадрият деб билади. Шу боиски, эътибор қилган бўлсангиз, газета пештоқига «Инсон манфаатлари — олий қадрият» деб ёзиб ҳам қўйилган. Демак, ижтимоий адолат бор жойда фуқаролар манфаатлари олий қадрият топади ва уларнинг муурожаатлари ҳеч қачон беиз, бесамар кетмайди.

Тахририят.

Огоҳлик

Одатда ёнғинга қарши кураш тарғиботи фақат ёнғин хавфсизлиги ойлиги эълон қилинган ойлардагина олиб борилиши анъанага айланган. Бироқ бу хавфли ёвга қарши йил бўйи кураш олиб бориш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ёнғинга қарши кураш тарғиботи —

долзарб юмуш

Ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила ва ҳар бир корхона, идора, муассаса ишчи-хизматчилари очик ҳолдаги алангали оловдан фойдаланаётганларида ўта эҳтиёткорлик қораларини кўриши, шунингдек, электр ва газ асбобларини ҳам доимо соз ҳолда тутиши, носоз ҳолда қўлбола тайёрланган электр ҳамда газ асбобларини ишлатмаслик қораларини кўришлари шарт. Юқорида тилга олинган ёнғин ўша хонадонда қўлбола тайёрланган электр асбобидан чиққанлиги барча учун сабоқ бўлиши керак...

Ёнғин бир неча сониялар ичидаёқ кишиларнинг мол-мулкидан ва ҳатто яқин кишиларидан ҳам ажрата оладиган жуда хавфли офат эканлигига изоҳнинг ҳожати йўқ. Қадимги замонларда ота-боболаримиз ушбу фалокатдан сақланиш учун туморлар олиб юришганини кўз олдингизга келтиринг. Дунёда шундай қабилалар борки, улар оловни ўз худоси деб билиб, унга сизгинанлар ва ҳозир ҳам сизгиндилар. Олов эса ҳеч кимни ва ҳеч нимани аямайди. Ер юзиде ҳар кун содир бўлаётган ёнғинлар неча-неча инсонлар ҳаётига зомин бўлаётганини эшитиб, билиб турибмиз. Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда

бундай офатлар фақат одамларнинг ўз бепарволиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслиги оқибатида юзага келаётгани гувоҳи бўла-миз. Билиб туриб ўзини ва мол мулкни хатарга қўяётганлигини эса ўйлаб ҳам кўрмайди. Негаки, кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Таассуфлар бўлсинки, шундай ҳолларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларда ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир беғамроқ бекаларимиз эса газ плиталарини қаровсиз қолдириб ёнғин сабабчиси бўлиб қолишяпти...

Шунинг учун, биз, ёнғин хавфсизлиги ходимлари маҳалла фаоллари, хонадонлар соҳиблари-ю соҳибаларини, катта-кичик фарзандларимизни ёнғинга қарши курашда бутун йил ойи оғоҳлига чақирган бўлардик. Унга қарши тарғибот-ташвиқот ишлари наздимизда фақат ёнғин хавфсизлиги ойларидагина эмас, балки бутун йил бўйи олиб бориладиган долзарб юмуш бўлмоғи керак.

Убайдулла ЎТАБЕКОВ,
ЁХБ 12-ХЕХО 23-ХЕХҚ
кичик инспектори,
катта сержант.



«Агробанк» ОАТБ

барча юртдошларимизни
эъзозли ва ардоқли байрам —

*Хотира ва қадрлат
кўни билан қутлайди.*

9
Май



STANDARD & POOR'S

2012 йил май ойида

«STANDARD & POOR'S»
халқаро рейтинг компанияси

«Ипотека-Банк»
акциядорлик тижорат ипотека банкига

“B+ / B”
рейтингини белгилади.

Рейтинг истиқболи
«БАРҚАРОР»



Элга хизмат — олий ҳиммат

Реклама ўрнида

Маълумки, табиат томонидан берилган ноёб, қайта ишланмайдиган захиролардан бири бўлмиш табиий газ ресурсидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки у нафақат аҳоли турмуши яхшиланишига, балки ишлаб чиқаришнинг кўпгина тармоқлари ривожига ҳам хизмат қилади. Шу боис ҳам бугунги кунда ҳаётимизда табиий газ ёқил-ғисининг ўрни катта.



Айни пайтда аҳоли хонадонлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа муассасаларга зангори оловнинг узлуksиз етказиб берилишини таъминлаш масъулиятли вазифа эканлиги ўз-ўзидан аён. Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги «Тошкентшаргаз» филиалининг «Мирободтумангаз» фойдаланиш хизмати ушбу вазифани бекаму кўст уйдалаб келаяпти, десак янглишмаган бўламиз.

Хусусан, тумангаз идораси томонидан 2011-2012 йил куз-қиш

мавсумига тайёргарлик кўриш режасига мувофиқ ўрта босимли газ тартиблаш пунктларини техник тафтишдан ўтказиш, уларни таъмирлаш, бўёклаш, ер усти табиий газ тармоқларини, дудбўронларни текшириш, улардаги носозликларни бартараф этиш ишлари сифатли амалга оширилди, ишдан чиққан газ жўмрақлари алмаштирилди.

Айни пайтда «Мирободтумангаз» фойдаланиш хизматининг 2012-2013 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қиз-

гин кечмоқда. Бу борадаги ишларни режали ва бекаму кўст амалга ошириш белгиланган бўлиб, унга кўра 118 донга газ тартиблаш пунктлари техник тафтишдан ўтказилмоқда, жорий таъмирланиб, бўялаяпти. Шунингдек, ер усти ва ер ости газ қувурлари ҳам синовдан ўтказилиб, газ сизиб чиқиши каби ҳолатлар аниқланган нуқталарда носозликни бартараф этиш ишлари изчил олиб борилмоқда. Мақсад, куз-қиш даврида барқарор ишлашга шай туриш ва ис-

теъмолчиларга табиий газ етказилишида ўзилишларга йўл қўймасликдир.

Табиий газ узлуksизлигини таъминлашда тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Қарс икки қўлдан, деганларидек соҳадаги айрим муаммолар газ таъминоти тармоқларига ноқонуний ула-нишдан келиб чиқаётгани сир эмас. Бундай нохуш ҳолатларнинг олди олинмоқда. Табиий газдан шартномасиз ва тегишли рухсатномасиз газ тармоғига ноқонуний уланган истеъмолчилар аниқланиб, уларга нисбатан тегишли тартибда чоралар кўрилмоқда.

Элга хизмат — олий ҳиммат. «Мирободтумангаз» фойдаланиш хизмати жамоаси шундай пурмаъно хизматга астойдил амал қилган ҳолда янги марраларни кўзлаб иш юритаётгани унинг фаолиятида яққол намоён бўлмоқда.

Абдурахмон АБДУМУРСАЛОВ,
«Мирободтумангаз»
фойдаланиш хизмати раҳбари.

«Олтин балиқча» — болажонларнинг сеvimли маскани

чилари орасида ўтказилаётган бадий гимнастика, шахмат-шашка мусобақаларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Мустаҳкам оила йилига бағишланган расмлар чизиш кўрик-танловида олти ёшли Нигина Пўлатова ўз тенгдошларига ибрат бўлди. Муассасанинг 2 нафар тарбияланувчиси эса бадий гимнастика ҳамда шахмат-шашка мусобақасида ғолиб чиқиб, ўзларининг сеvimли масканлари обрўсига обрў қўшдилар.

— Шу кунларда, — деб ҳикоя қилади муассаса мудири Нигора Аҳмедова, — 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни олтидан ота-оналар билан ҳамкорликда катта комплекс тадбир ўтказишга тайёргарлик кўраяпмиз. Боғчамиз ҳудудини ободонлаштириш, ўйин майдон-

ларини таъмирлаш, ён атрофларга анвойи гуллар ўтказиш, ўйингоҳларни янги ўйин жиҳозлари билан жиҳозлаш, сув хавза-чаларини ёзги соғломлаштириш мавсумига шай қилиб қўйиш режалари ижросини аллақачон бошлаб ҳам юбордик.

Дарвоқе, болажонларнинг сеvimли маскани «Олтин балиқча» мактабгача таълим муассасасида замонавий инновацион ўқув тарбия жараёнлари муваффақиятли кечмоқда. Бу — юқорида айтганимиздек, мазкур муассаса фаолиятининг методик таъминоти ва ташкилий жиҳатлари самараси, албатта.



Ғуломжон ХИДИРОВ,
«Adolat» мухбири.



**Бешариқ қишлоқ хўжалик
касб-хунар коллежи жамоаси**

*Барча ватандошларимизни
Хотира ва қадрлат кўни
билан самимий қутлайди.*

*Она юртимизнинг тинч, осойишта ҳаётини,
бўзувчи осмонини асраш улуғ мардлик, Ҳасрат қўрсагани,
жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси
қалбимизда абадий яшайди, азиз номлари унутилмайди!*



Таълим-тарбия муассасаларида

Тошкентдаги Ҳамза тумани халқ таълими муассасалари орасида 303-сонли «Олтин балиқча» мактабгача таълим муассасаси алоҳида ўринга эга. Бугунги кунда 300 нафар болажонлар тарбия топаётган мазкур масканда улар учун ҳамма шароит — муҳайё.

Муассаса фаолиятининг методик таъминоти ва ташкилий жиҳатлари самараси шундаки, кич-

кинтойлар ҳозирданок баркамол авлод орзусида мактабгача таълим муассасалари тарбияланув-



ЭЪЛОН
Сергели тумани Бюджет-
дан ташқари пенсия жамғар-
маси бўлими

TN-264252; TN-264253;
TN-264254; TN-264255;
TN-264257; TN-264258;
TN-264259; TN-264260

рақамли янги (ёзилмаган) меҳ-
нат дафтарчалари йўқолганлиги са-
бабли улар бекор қилинганини
билдиради.

Сўнгги саҳифа

Қорақалпоғистон:
Элликқалъада асрий садолар

Анъанага кўра "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган навбатдаги "Асрлар садоси — 2012" маданият фестивали Ватанимизнинг бой тарихига яна бир ёрқин саҳифа бўлди



Тўрт йилдирки анъанага айланган "Асрлар садоси" маданият фестивали халқимизнинг миллий урф-адоби, амалий санъати ва тансиқ таомлари, халқ оғзаки ижоди каби йўналишларнинг ранго-ранглигини намойён этмоқда. Фестиваль бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш ва бу йўналишда унутилмаган услуб ҳамда ўзига хос мактабларни тиклаш, санъатнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатётган ижодкорларни қўллаб-қувватлашга катта хизмат қилаётган, десак муболаға эмас.

Унинг бу гал қадим қорақалпоқ диёрида ўтказилиши ўзига хос маъно-мазмунга, моҳият-мантқиқа эга. Зеро, Қорақалпоғистон Республикаси ўз миллий маданияти, санъати, адабиёти, удуи ва анъаналарига эга. Унинг бой ўрмиши, халқ оғзаки ижоди, миллий қадриятлари, мумтоз шоир ва ёзувчилари мероси улкан маънавий хазинадир. Фестивальда ана шу бой тарих ва маданият ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ундаги янги-янги дастурлар, музикавий чиқишлар, театрлаштирилган томошалар, давра суҳбатлари ва либослар намойишида қорақалпоқ халқининг этнографияси, маданияти ва санъатига оид асл хусусиятларга алоҳида эътибор қаратилди. Ўртимиз ҳудудларида фаолият олиб бораётган уста ва ҳунармандларнинг ижоди — амалий санъат кўргазма-ярмаркасида қўлчилар, қандакорлар, каштанчилар, миниатюрчи ва тикучи ҳамда ўймакорлик санъати соҳиблари ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Айниқса, байрамга Нукус шаҳри ва Элликқалъа туманида катта тайёргарлик қўрилди. Тупроққалъа ёдгорлиги атрофида уч минг ўринли амфитеатр, халқ

ўйинларини ўтказишга мўлжалланган майдонлар барпо этилди, ҳар бир вилоят вакиллари учун алоҳида-алоҳида ўзига хос, кўркем ўтовлар тикилди. Уларда икки кун давомида ҳамюртларимиз, санъат ва маданият намояндалари, уста ва ҳунармандлар, талаба-ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, чет эллик меҳмонлар ҳар қачонгидан гавжумлашиб кетди. Халқ сайли билан бошланган тадбир Тупроққалъа ёдгорлиги ва бу ерда амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш, бунёдкорлик ишлари намойишига уланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мустақиллик даврида республика маркази — Нукусда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу ерда барпо этилган яшил майдон ва фавворалар шаҳар қиёфасига кўрк бағишлади. Майдон ўртасига ўрнатилган қорақалпоқ мумтоз шоири Бердақ ҳайкали миллий маънавият ва маданият ривожига, ёш авлод тарбиясига ҳукуматимиз томонидан қаратилган беқиёс эътиборнинг чинакам ифодаси бўлди. Замонавий турар-жой бинолари, майдон ва ҳибоблар, театр, музей, спорт мажмуалари, бозорлар, аэропорт, темир йўл вокзали ва бошқа қатор иншоотлар шаҳар чиройига қий қўшди.

Беш-олти кун муқаддам шаҳарда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси шарафига миллий чолгу асбобларини ясаш устaxonаси очилди. У ерда "Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг мамлакат босқичи совриндори, уста Азатбай Ўтарбаев мусиқа асбобларининг тарихи, уларни

ясаш усулларига оид амалий семинар ўтказди. Шунингдек, мазкур тадбирда қорақалпоқ миллий чолгу асбобларида куйлар ижро этилиб, "Қорақалпоқ халқининг эпик мероси" компакт-дисклари тақдироти бўлиб ўтди.

Таъкидлаш керак, фестиваль дастуридан ўрин олган илмий янгиликлар — И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида ўтказилган "Орол-бўйи: ҳудуд ривожланишининг тарихий, экологик ва ижтимоий жиҳатлари" мавзuidaги давра суҳбати барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Меҳр нури" ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмасининг экологияни яхшилаш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, миллий ҳунармандчиликни кенгайтириш каби масалаларга қаратилган ижтимоий лойиҳалар тақдироти ҳам барчада ҳайрат уйғотди. И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи жамоасига форум ташаббускорлари ва ҳимийлар томонидан янги автобус совға қилинди.

— Элликқалъа туманидаги Тупроққалъа ёдгорлигида талаба-ёшлар учун ташкил этилган маҳорат сабоқлари ҳаммамизда катта қизиқиш туғдирди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгашига сайланган депутат, депутатлик гуруҳи раҳбари Нурибай Қампбергенов. — Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими олимлари, тарихчи ва этнографлар Тупроққалъа тарихи, бу ерда олиб бо-

риланган археологик изланишлар, топилаётган ноёб ашёлар ҳақида сўзлаб берган ҳикоялардан катта таассурот олдиқ. Айниқса, Ахалтекин отларининг кўргазмаси кўпчилигининг ўзоқ вақтлар эсида қоладиган тадбир бўлди. Полвонлар, дорбозлар, миллий цирк санъати усталарининг чиқишлари, от пойғалари, улоқ-қўпқари мусобақалари гоят кўтаринки руҳда ўтди. Ўзига хос байрамга айланиб кетган бу тадбирларни наинки республикаимиз туман ва овуллари, балки қўшни вилоятлар аҳолиси ҳам мароқ билан томоша қилишди. Унда АҚШ, Япония, Хитой, Буюк Британия, Германия, Франция, Швейцария, Россия, Италия ва Испания сингари қўллаб-қувватловлардан келган хорижлик меҳмонлар ҳам иштирок этгани ҳар бир қорақалпоғистонликда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотди...

Дарвоқе, фестивалда мамлакатимизда туризмини ривожлантиришга кенг имконият борлиги яна бир бор намойён бўлди. Ўзбекистон дунё сайёҳларини нафақат қадимий обидалари ва гўзал масканлари билан, ҳатто ўзига хос миллий-маданияти ва санъатига оид ноёб ёдгорликлари билан ҳам тақдор лол қолдирди. У Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғлаб турувчи минтақада жойлашганлиги учун ҳам турли халқлар ҳамда миллатлар маданиятларининг энг яхши анъаналарини намойён этиб, ўзбек ва жаҳон халқлари ўртасидаги азалий яқинликлардан тасаввур берди.

Анжуманда турли номинациялар бўйича ғолиб топилган Қорақалпоғистон Республикасининг "Гулзор" ва "Бўстон гуллари" фольклор-этнографик, "Тонг юлдузи" болалар этнографик жамоалари, Самарқанднинг "Чавқи", Сурхондарёнинг "Булбулигуё", Фарғонанин "Қўқон ёр-ёри", Наманганнинг "Хуш наво", Андижоннинг "Гулруҳ" фольклор-этнографик жамоалари, сурхондарёлик бахши Илхом Норов, қорақалпоғистонлик жирос Саламат Аяпов ва бахши Бекзода Аскар-ова, ҳунармандлар — қорақалпоғистонлик Жўзимбой Қосимбетов, Айтгул Раёева, ошпазлар — Гулристон Раёмова ҳамда Исматилов Амиров, дизайнерлар — Сарвиноз Икромова ва Дилнавоз Абдиева каби ўз касбининг усталарига диплом ва совринлар топширилди.

Муктасар айтганда, Қорақалпоғистон Республикасида ўтган "Асрлар садоси — 2012" анъана-вий маданият фестивали тадбирлари юртдошларимиз қалбида ўчмас из қолдирди.

Замон АЛИ.

Оила —
маънавият кўрғони

2012 йил —
Мустаҳкам оила йили

Оиланиннг жамиятда тутган мавқеи шу қадар баландки, у ҳеч қандай таърифа сизмайдми. Оилада ота-она меҳнатининг самараси улғаяди. Фарзандлар ота-она умрининг давоми бўлиб, улардан яхшилик ва эзгуликларни мерос қилиб олиб, ўз навбатида, авлодларга етказишади. Шунинг учун ҳам бу оломда фарзанд тарбиясидан машоққатлироқ иш бўлмасе керак. Ўз оиласида бахтли бўлмаган инсон ҳеч қаерда бахтли бўла олмайдми. Ўз оиласида яхши бир муҳит яратмаган одам бошқа бирор жойда ҳам шундай муҳитни яратишга қодир эмас.

Юрт сўраган, бутун дунёни ларзага солган жаҳонгирларнинг ҳам обрў-эътибори ноқобил фарзандлар туфайли хира торган. Шунинг учун ҳам, энг аввало, биз оилаларимиздаги тарбияга жуда катта эътибор қаратишимиз зарур. Ўшандагина оила мустаҳкам бўлади.

Оила, унинг жамиятда тутган ўрни беқиёсдир. Ҳақиқатан ҳам, бу шундай муҳитки, унда Ватани суймоқ, одамларни, табиятни қадрламоқ, ота-онага мангу ҳурмат ва эҳтиромда бўлмоқ дарслари ўқитилади. Оила кўргонини қўриқлай олган йигит, Ватан кўргони учун жонини ҳам қўрбон қилади. Оила номуи учун курашга отланган ҳар бир инсон эртага миллат номуини асрамоқчи фарз деб билади. Оилада меҳр-муҳаббат гулга киради, барг ёзади.

Бизда қадим-қадимдан оилага жамиятнинг асоси, муҳим бир бўғини сифатида қаралган. Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, шунингдек, келажак авлод қандай инсон бўлиб воқеа этишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи ҳисобланади. Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳр-оқибат каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади.

Ватан ва халқ тақдирига дахлдор инсонлар ҳам ҳар томонлама мустаҳкам, фаровон, бекаму

кўст, соғлом оилада тарбия топиб, улғаяди. Президентимиз таъбири билан айтганда, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Оила институтининг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан маънавий тарбия ва масъулиятга боғлиқ. Шу маънода фуқароларимиз онгига оилага хос юқоридаги каби муқаддас туйғулар, инсоний фазилатларни сингдириш муҳим аҳамиятга эга ва бунда маънавий тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Чунки биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузувчи ғояларга қарши курашда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустаҳкам таъин деб биламиз.

Бугун юртимизда салкам 7 миллионга яқин оила тинчлик, фаровонлик ва аҳилликда турмуш кечирмоқда. Ташкил этилган янги иш ўринлари оила бюджетини тўлдиршига хизмат қилмоқда. Ёшларимизнинг ўқишлари, касб-ҳунар сирларини эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Биздан факат ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо

этиш йўлида ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлиш ва инсон руҳияти қонунлари асосида бағрикенглик тамойилларидан келиб чиқиб, аввало, хонадонимизда, қолаверса, маҳалла-қўйда ибрат намунасида яшашимиз талаб этилмоқда. Ёнг муҳими, бунда қонунларимизга ҳурмат ҳар биримизнинг ҳаётини шийоримиз бўлмоғи даркор. Шундагина асрлар мобайнида асраб келаётган муқаддас удуларимизни сақлаб қоламиз ва уларга нисбатан бўлаётган таҳдидлардан омон бўламиз.


Президентимиз ўзларининг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида миллатнинг маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланиннг ўрни ва таъсири ҳақида сўз юритарканлар, «оиланиннг маънавий олами», «оиладаги маънавий муҳит», «хонадондаги маънавий иқлим», «оила-маънавият кўргони» каби тушунчаларни келтиришди. Шунингдек, ёш авлод тарбиясида маънавият бетақдор ва қудратли омил эканлиги ва долзарблигини асло унутмаслигимиз кераклиги ҳам айтиб ўтилган. Чунки бу масалага эътиборсизлик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият инқирозига сабаб бўлиши мумкин.

Оила — муқаддас даргоҳ. Оила — Ватан ва миллат шаънини белгилайдиган маскан. Оила-эртаминг, оила-бугунимиз, оила-буюк аждодларимизнинг боқий давомийлиги. Шунинг учун ҳам оила институтининг ҳақиқий маънавий асосларини яратиш, янада такомиллаштириш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, оила маънавий жиҳатдан бутун бўлсагина, мустаҳкам бўлади. Мустаҳкам оилалардан ташкил топган мамлакат эса қудратли бўлади.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
"Ўжа Аламбардор" жомеъ масжиди имом хатibi.

www.adolat.uz сайти саҳифаларида:



• Сайтимизда энди нафақат хабар ва янгиликларни ўқишингиз, шу билан бирга, партия ҳаётига доир у ёки бу муаммоли вазият таққидига бағишланган кўплаб материалларни топасиз.

• "Адолат" кутубхонаси" саҳифаси янги адабиётлар билан бойитилди. "Партиянинг аҳоли ўртасидаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат Дастури" ҳамда "Партия фракцияси аъзолари (депутатлари)нинг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисида хисоботи" китобларининг электрон шаклини бепул оқлаб олишингиз мумкин.

• Европа мамлакатларидан бирида социал-демократик партия раҳбари бош вазир этиб тайинлангандан хабарингиз борми? Бу ҳақдаги янгилик билан "Жаҳон сиёсий партияларида" саҳифасида танишинг!

Бош муҳаррир: Худойёр МАМАТОВ

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари:
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14;

Маданият, ахборот, спорт ҳамда халқаро вакиллар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс);
котибият — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Фарҳод ЭСОНОВ.

Навбатчи — Илос САХАТОВ.

«Адолат»дан кўчириб ёзиш факат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

ADOLAT



ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА,
Светлана ОРТИКОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир
ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қолдир ЖўРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ,
Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Рашид
ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2093-5237

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ — 500. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-2. Адади — 9657.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.30

1 2 3 5

9772093523007

Кум остида қолган бандаргоҳ

Аргентина пойтахти Буэнос-Айреснинг Ла-Плата дарёси яқинида испан галеони (кема) аниқланди.

Мутахассисларнинг айтишича, мазкур дарё бўйида илгари бандаргоҳ бўлган, кейинчалик у кум остида қолиб кетган.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, кўпқаватли бино барпо этиш жараёнида аниқланган мазкур топила ўн саккизинчи асрга оид. Кема бортдан бир неча замбарак ҳамда зайтун мойини сақлашга мўлжалланган қадимий сопол идишлар ҳам топилган.



Ўқинг, бу қизиқ

Музейдаги ўғирлик

Берлиндаги "Fasanengalerie" тасвирий санъат галереясида машҳур расмлар Пабло Пикассо ва Анри Матисс ижодига мансуб йигирма бешта расм ва кўплаб ҳайкалтарошлик ишлари ўғирланди, деб хабар беради РАТА-ТАСС.

"Fasanengalerie" ҳодимларининг сўзларига кўра, ўғирланган асарларнинг айримлари кўргазмада ҳали намойиш этилмаган ва рўйхатдан ҳам ўтказилмаган экан. Хабарларга қараганда, ўғирланган асарларнинг қиймати тахминан бир юз саксон минг еврога тенг.

